

**Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва унинг
идоравий мансуб ташкилотлари ходимларининг одоб-ахлоқ
ҚОИДАЛАРИ**

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва унинг ташкилий тузилмалари (кейинги ўринларда Вазирлик деб аталади) ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари (кейинги ўринларда қоидалар деб аталади) уларнинг касбий одоб-ахлоқининг умумий принциплари ва хизмат жараёнидаги хулқ-атворининг асосий қоидалари йиғиндисидан иборат.

2. Қоидалар ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга, уларнинг содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга, давлат хизматларини юксак ҳуқуқий онг, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган.

3. Вазирлика ишга кираётган шахслар қоидалар билан имзо қўйдирилган ҳолда таништирилади.

4. Давлат хизматчилари қонун ҳужжатлари ва одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этишлари шарт. Қоидалар талабларига риоя этиш давлат хизматдаги хулқ-атвори баҳолаш мезонларидан бири ҳисобланади.

**II. Вазирлик ходимларининг хизматдаги хулқ атворининг асосий
принциплари ва қоидалари**

5. Вазирлик ходимлари ўз касбий фаолиятини қўйидаги принциплар асосида амалга оширадilar:

қонунийлик;

фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

ватанпарварлик ва хизмат бурчига фидойлик;

давлат ва жамият манфаатларига содиқлик;

адолатлилик, ҳалоллик ва холислик;

манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик.

6. Вазирлик ходимлари қўйидагиларга мажбур:

хизмат вазифаларини бажаришда давлат принциплари ва талабларига қатъий риоя этиш;

ўз хизмат вазифаларини виждонан юксак касбий даражада бажариш;

юқори давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган (берган) қарорларини (топшириқларини) ўз вақтида ва сифатли бажариш;

ўз фаолиятини қонун ҳужжатларида ва ички ҳужжатларда белгиланган лавозим ваколатлари доирасида амалга ошириш;

ўз хизмат вазифаларини бажаришда бирор-бир шахслар, гуруҳлар ёки ташкилотларга ён босмаслик ва устунлик бермаслик, уларнинг таъсиридан мустақил бўлиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиш, камситиш ҳолатларига йўл қўймаслик;

ўз хизмат вазифаларини бажаришга тўсқинлик қилувчи бирор-бир шахсий, мулкӣ ва бошқа манфаатларнинг таъсири билан боғлиқ бўлган хатти-ҳаракатларга барҳам бериш;

норматив-ҳуқуқӣ ҳужжат ва идоравӣ ҳужжатларда белгиланган чеклашлар ва тақиқларга риоя қилиш ўз хизмат вазифаларини оғишмай бажариш;

ўз хизмат фаолиятига бирор-бир таъсир кўрсатиш имкониятига барҳам бериш;

Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар халқларининг урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиш, турли этник ижтимоӣ гуруҳлар ва конфессияларнинг маданий ҳамда бошқа хусусиятларини ҳисобга олиш ижтимоӣ барқарорликка миллатлараро ва конфессиялараро тотувликка кўмаклашиш;

ўзларининг хизмат вазифаларини виждонан бажаришда шубҳа пайдо қилиши мумкин бўлган ҳулқ-атвордан ўзини тийиш, шунингдек ўз обрўсини ёки Вазирликнинг нуфузига зарар етказишга қодир бўлган вазиятларга йўл қўймаслик;

хизмат мавқеидан давлат органлари бошқа ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари шунингдек фуқаролар фаолиятига ноқонуний таъсир кўрсатиш учун фойдаланмаслик, хизмат мажбуриятларининг бажарилиши муносабати билан жисмонӣ ва юридик шахслардан совғалар ва бошқа хизматларни қабул қилинишига йўл қўймаслик;

коррупция кўринишларига қаршилик қилиш, айрим шахсларнинг давлат манфаатларига зиён етказадиган манфаатларини кўллаб-қувватланишига имкон бермаслик;

Вазирликда хабарларни ва хизмат ахборотларини тақдим қилишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиш хизмат доирасидаги ахборотларни ва иш жараёнида аён бўлган бошқа чекланган фойдаланишдаги маълумотларни ошкор қилинишига ёхуд ундан ғаразли ва бошқа шахсий мақсадларда фойдаланилишига йўл қўймаслик (инсайдерлик);

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва унинг ташкилий тузилмалари фаолиятига тааллуқли бўлган маълумотлар, ахборотларни сир сақлашга, улар ўрнатилган тартибда сўралган тақдирда раҳбарият кўрсатмасисиз бермасликка;

меҳнат жамоаси аъзоларини ҳақорат қилмасликка, яъни шахснинг шаъни ва қадр-қимматини қасддан камситмасликка, тухмат қилмасликка;

меҳнат жамоаси аъзолари шунингдек иш жараёнида муносабатда бўладиган бошқа шахслар билан хушмуомалада бўлишга мажбурдирлар; кадрларни қариндошлик, маҳаллийчилик ва шахсий содиқлик аломатларига қараб танлаш ва жой-жойига қўйиш ҳолатларига йўл қўймаслик;

Вазирликнинг бошқа ходимлари томонидан йўл қўйилган ўзига маълум бўлган ҳуқуқни бузиш ҳолатлари тўғрисида Агентлик раҳбариятига оғзаки ёки ёзма равишда хабар бериш;

ўз хизмат вазифаларини бажариш даврида камтарин бўлиш, кийинишда ишчанлик услубига амал қилиш, Вазирлик ходимларига хос бўлган кийиниш маданиятига (классик услубдаги шим (костюм) ҳамда пойафзал, куйлак ва галстук) риоя қилган ҳолда кийиниш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат идоралари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигига нисбатан ишончини мустаҳкамлашга ёрдам бериш;

ўз ҳаракатлари ва қарорлари билан раҳбарият ва бошқа шахслар томонидан асосли танқидларга имкон бермаслик, танқид учун таъқиб қилинишига йўл қўймаслик, унга чидамли муносабатда бўлиш, асосли танқиддан камчиликларни бартараф қилиш ва ўз касбий фаолиятини яхшилашда фойдаланиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда бюрократизм ва сансалорликка йўл қўймаслик, белгиланган муддатларда улар бўйича зарур чораларни кўриш;

ўзлари билан боғлиқ барча фавқулодда ҳодисалар (хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ таҳдид, йўл-транспорт ҳодисаси, фаолиятига ноқонуний аралашувлардан ходимларнинг ва улар оила аъзоларининг шахсий ҳаёти соғлиги ва мол-мулкани тажовузлар ва бошқалар) ҳақида Вазирлик раҳбариятига ёзма ахборот бериш.

7. Сиёсий, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлик, шунингдек шахсий важлар ва бошқа субъектив сабаблар давлат хизматчиларининг қонун ҳужжатлари талабларини ва қоидаларни бузиши учун асос бўла олмайди.

8. Агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, давлат хизматчиларига ўз хизмат вазифаларини бажариш муносабати билан бирор-бир моддий бойликларни олиш ёхуд жисмоний ёки юридик шахслардан бошқача наф қўриш таъқиқланади.

9. Вазирлик ходимлари коррупция ҳолатларига қарши курашиш ва уларнинг профилактикасига фаол кўмаклашиши шарт.

Вазирлик ходимлари ўз раҳбарини ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини уларни ҳуқуқбузарликлар содир этишга оғдириш мақсадида, бирор-бир шахсларнинг қилган мурожаатларининг барча ҳолатлари тўғрисида шунингдек бошқа давлат хизматчилари томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлган ҳар қандай ҳолатлари ҳақида хабардор қилиши шарт.

Вазирлик раҳбарлари шахслар томонидан қонунчиликнинг бузилиши фактлари тўғрисида мурожаат қилганлиги муносабати билан ёхуд билдирилган фикр ва мурожаатдаги танқиди учун, худди шунингдек бошқача

шаклда танқид қилганлиги учун ишдан бўшатилишига ёки бошқача шаклда таъқиб қилинишига йўл қўймаслигини таъминлаши керак.

10. Вазирлик ходимлари касбий фаолияти давомида ўзларига маълум бўлган ахборотни сақланишини ва махфийлигини таъминлаш юзасидан барча чораларни кўришлари шарт, уларнинг ошкор этилганлиги учун улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

11. Раҳбар ўзига бўйсунувчи ходимларга нисбатан юқори профессионализм, софлик ва адолатда ўрнатилган бўлиши Вазирликда ёхуд унинг таркибий ёки ҳудудий бўлинмасида маънавий психологик муҳит шаклланишига кўмаклашиши лозим у бўйсунувчи ходимлардан уларнинг хизмат вазифалари доирасидан чиқиб кетадиган топшириқларни бажаришини талаб қилмаслиги, шунингдек қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни содир этишга ундамаслиги керак.

Раҳбар кадрларни қариндошлик ҳамшаҳарлик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш ва жой-жойига қўйиш ҳолатларига йўл қўймаслиги керак. У гуруҳбозлик маҳаллийчилик, фаворитизм кўринишларининг, шунингдек ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларнинг қатъий равишда олдини олиши лозим.

Раҳбар:

манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уларни тартибга солиш юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўриши;

қўл остидаги ходимларга нисбатан асоссиз айблар қўйиш, қўполлик қилиш, инсон кадр-қимматини камситиш, беандишалик ҳолатларига йўл қўймаслик, ходимларни умум қабул қилинган одоб-ахлоқ меъёрларига мос келмайдиган қонунга зид ножўя хатти-ҳаракат ва ишларни бажаришга мажбур этмаслиги;

коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриши;

ходимларни самарали бошқариши, ўзига ишониб топширилган мулкка ва молиявий маблағларга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиши шарт. Раҳбар ўзига бўйсунувчи, хизматдаги ҳуқ-атвори принциплари ва қоидаларини бузаётган ходимларнинг хатти-ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) йўл қўймаслик чораларини кўрмаганлиги учун жавоб беради.

12. Вазирлик ходимлари ўзларининг хизматдаги ҳуқ-атвори билан жамоада бошқа давлат хизматчилари билан ўзаро ишчанлик ва амалий ҳамкорлик қарор топишига даъват этилган.

Вазирлик ходимлари хушмуомала, илтифотли, одобли, эътиборли, фуқаролар ва ҳамкасблари билан муносабатда сабр-тоқатли бўлиши, уларни ҳурмат қилиши шарт. Вазирлик ходимлари ўзига бўйсунувчиларга ва фуқароларга нисбатан қўполлик қилмаслиги одамларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситмаслиги, уларга асоссиз психологик ва жисмоний таъсир кўрсатиш ҳолатларига йўл қўймаслик керак.

Хизмат вазифаларини бажариш чоғида иш шароитлари ва хизмат тадбирларининг шаклига боғлиқ ҳолда давлат хизматчиларининг ташқи кўриниши фуқароларининг Вазирликка нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишига ёрдам бериши умумий қабул қилинган иш услубига мувофиқ

бўлиши, улар расмийлиги вазминлиги ва тартиблилиги билан бошқалардан ажралиб туриши керак.

13. Вазирлик ходимлари хизматдан ташқари вақтда умумий қабул қилинган одоб-ахлоқ нормаларига риоя этишлари ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслиги керак.

Манфаатлар тўқнашуви

14. Вазирлик ходимлари ўз хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувига сабаб бўладиган шахсий манфаатдорлик ҳолатларига йўл қўймасликлари керак.

Манфаатлар тўқнашуви давлат хизматчиларининг шахсий манфаатлари уларнинг ўз хизмат вазифаларини ҳолисона ва беғараз бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатларда пайдо бўлади.

Вазирлик ходимларининг шахсий манфаатдорлиги уларнинг шахсан ўзи ёки яқин қариндошлари шунингдек улар яқин ёки ишбилармонлик муносабатларида бўладиган бошқа шахслар учун ҳар қандай наф кўриш ёки афзалликларга эга бўлишни ўз ичига олади.

Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда давлат хизматчилари ўз раҳбарини дарҳол хабардор қилиши керак.

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотни олган раҳбар уни тартибга келтириш бўйича ўз вақтида чоралар кўриши шарт.

15. Вазирлик мансабдор шахсларига бирор-бир тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ва хизмат мавқеидан шахсий мақсадларда фойдаланиш тақиқланади.

Вазирлик ходимлари ўзларининг ўз хизмат вазифаларини зарур даражада бажаришига ёки уларга зарар етказиши мумкин бўлган фаолиятни амалга оширмаслиги шунингдек лавозимни эгалламаслиги керак.

Вазирлик ходими ҳар қандай ҳолатларда ҳам ўз хизмат мавқеидан мумкин бўлмаган шахсий фойдани олиши мумкин эмас.

Вазирлик ходимлари ўз раҳбарини манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик бўйича чоралар кўриш мақсадида тижорат ташкилотларнинг устав капиталида иштирок этиши тўғрисида хабардор қилиши шарт.

16. Вазирлик ходими лавозимга тайинланаётганда ва хизмат вазифаларини бажараётганда ўзининг хизмат вазифаларини зарур даражада бажаришига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорлигининг мавжудлиги ёки мавжуд бўлиши имконияти тўғрисида маълум қилиши шарт.

Одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик

17. Вазирлик ходими томонидан қоидаларнинг бузилиши уни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шунингдек жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши мумкин.

18. Вазирлик ходими томонидан қоидаларга риоя этилиши аттестациялар ўтказишда юқори ва бошқа лавозимларга тайинлаш учун кадрлар заҳирасини шакллантиришда ҳисобга олинади.

19. Ушбу одоб-ахлоқ қоидалари нормаларининг бузилишлари Вазирлик Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

Одоб-ахлоқ комиссияси Вазирлик ва унинг ташкилий тузилмаси ходимларидан 9 кишидан иборат таркибда тузилади. Одоб-ахлоқ комиссиясининг мақсади, вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, жавобгарлиги ва унинг фаолиятини ташкил этишнинг бошқа масалалари вазирнинг биринчи ўринбосари буйруғи билан тасдиқланади ва одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги Низомда белгиланган.

Қоидаларнинг бузилиши ҳолатларини одоб-ахлоқ комиссияси томонидан кўриб чиқиш натижалари бўйича интизомий ёки бошқача тарзда қоида бузилишларининг мавжудлиги (мавжуд эмаслиги) тўғрисида хулоса чиқарилади. Айтилган вақтда вазирнинг биринчи ўринбосарига кўриб чиқишига қоидалар бузилишини содир этган давлат хизматчисини жавобгарликка тортиш тўғрисида таклиф киритилади. Йўл қўйилган қоида бузилишининг характерини ҳисобга олган ҳолда одоб-ахлоқ комиссияси давлат хизматчисига нисбатан одоб-ахлоқ қоидаларини бузилишга йўл қўймаслик тўғрисидаги огоҳлантириш билан чекланиши мумкин.

Вазирлик ходимлари ўзлари йўл қўйган қоида бузилиши, қоида бузилишининг кўриб чиқилиши жараёни ҳақида ахборотни олиш ва ўзини ҳимоя қилиш учун далилларни тақдим этиш, шунингдек Вазирликнинг қарорлари юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.